

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТАНҚИДИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электротехника ва фармацевтика соҳаларида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мақсур тармоқларда ишни замонавий асосда ташкил этиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар турини кенгайтириш чоралари қўрилгани натижасида сўнгги уч йилда экспорт ҳажми 1,7 баравар ошди. Жорий йилда бу кўрсаткич 350 миллион долларга етиши кўтилмоқда.

Лекин ҳали камчиликлар кўплиги, электротехника ва фармацевтика иқтисодиётда “ривожланиш нуқталари” бўлиши кераклиги таъкидланди.

— **Ўтган 10 ойда иккита соҳа бўйича 2 миллиард доллардан кўп импорт бўлган. Мана шу рақамнинг ўзи нима қилишимиз кераклигини кўрсатиб турибди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Жорий йилда электротехника саноати тармоғида 55 та лойиҳа режалаштирилган эди. Шундан 26 таси йўлга қўйилган, 29 тасининг ижроси кечикмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундай қолоқликнинг сабабларини сўраб, уларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Электротехника тармоғининг драйвер йўналишларини аниқлаб олиш кераклиги қайд этилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш мурракб бўлмаган ва хориждан олиб келишдаги транспорт харажатлари юқори маҳсулотлар импорти 500 миллион доллардан ортади.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмасига йил якунига қадар шундай маҳсулотлар рўйхатини шакллантириб, Тошкент шаҳри ва Хоразмдаги саноат зоналарида ишлаб чиқариш бўйича кўрсатма берилди.

Мақсур тармоқдаги экспортни шу йил якуни билан 310 миллион долларга, келгуси йил 370 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди. Бунда дунёга машҳур онлайн савдо тармоқларидан ҳам фойдаланиш, халқаро тендерларда қатнашиш янги самара бериши айтилди. 2021 йилда халқаро стандартларни жорий этиш учун лаборатория ва сертификатлаш марказини ташкил этиш топшириғи берилди.

Йиғилишда фармацевтика тармоқ

ғидаги лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама этилди.

Жорий йилга режалаштирилган 100 миллион долларлик 37 та инвестиция лойиҳасидан бугунги кунгача фақат биттаси фойдаланишга топширилгани кескин танқид қилинди.

Келгуси йилда 149 миллион долларлик 37 та лойиҳа бўйича амалий ишларни ҳозирдан бошлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳадаги яна бир камчилик — охириги йилларда ташкил этилган 16 та йирик корхонанинг 8 таси тўлиқ қувватда ишламаяпти. Мутасаддиларга уларни бирма-бир таҳлил қилиб, тўлиқ қувватга чиқишига қўмақлашиш топширилди.

Маҳаллий корхоналарда 3 мингдан ортиқ номдаги дори-дармон ишлаб чиқарилса-да, улар, асосан, мурракб бўлмаган женерик воситалардан иборат.

— **Пандемия ҳаммамизнинг кўзимизни очди, фармацевтика нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик жиҳатидан ҳам страте**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЖАДАЛ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2021 — 2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни илғор жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари эдиб белгилансин:

худудларни шахарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш;

шахарсозлик фаолиятининг сифати ва хавфсизлигини ошириш;

шахарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, **қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;**

шахарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

шахарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) т-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини **2021 — 2025 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича **мақсадли кўрсаткичлар** 3-иловага мувофиқ белгилансин:

2025 йил охирига бориб “Бизнес юритиш” халқаро индексида (Doing Business Index) “қурилиш рухсатномалар олиш” (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича **Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш**;

Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда **2025 йилга бориб миллий шахарсозлик нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш**;

2025 йилга бориб шахарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш;

2025 йилга бориб “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

лояиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг **“ҳажм” услубини жорий этиш улушини 2025 йилга бориб республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизигача етказиш**;

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТНИ БУЮК ЭТАДИГАН КУЧ

“Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Инсон ўз танасини озиклан-тиришга ҳар доим эҳтиёж сезгани каби билим ва илмга, ақл-тафаккурини бойитиб боришга ҳам шунча эҳтиёжманд бўлади. Қизиги шундаки, иккинчи санаб ўтилган эҳтиёж биринчисини умр бўйи таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаб, кишининг тўқис ҳаёт кечиришига кафолат бериши, айни ҳақиқат.

Кенгроқ маънода айтганда, билим нафақат инсоннинг безағи, балки давлат ва жамият ривож, халқнинг фаровонлиги, мамлакатнинг энг катта интеллектуал бойлиги ўлароқ, муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам халқимиз ўз

фарзандини тили чиқиши биланок тарбиялаб бориш асносида китобга, мутлоага ошно этиб, билим бериб вояга етказида.

Халқимизнинг ана шундай азалий қадрияти, дунёқарашининг инъикоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатлангани бежиз эмас, албатта. Чунки бу ҳуқуқ барчага жамиятда ўз ўрнини топиш, муносиб касб-ҳунарга эга бўлиш, мақбул меҳнат шартноларидида ишлаш, умуман, маърифатли жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш имконини беради.

Конунчилик палатаси кўмитасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан ЎзЛиДеП фракцияси билан ҳамкорликда “Эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва чегараолди савдони ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзuida видеоконференция ўтказилди.

Чегараолди савдолари истиқболи ва имкониятлар

Қайд этилганидек, эркин савдо зоналари чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғламаларида ёки мамлакатимизнинг бошқа божхона ҳудудларида ташкил қилинади. Шу йилнинг 17 февралда имзоланган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”-ги Қонун билан ушбу йўналишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Тадбирда консигнация омборлари, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-joyлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига оладиган эркин савдо зоналари хусусида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Сурхондарё

вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда илк “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонаси ташкил этилди. Ушбу эркин савдо зонасида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига қўра, Афғонистон Ислom Республикаси билан ўзаро савдонини янада эркинлаштириш, икки давлат тадбиркорлик субъектларининг ташки иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўзаро савдо ҳажмини ошириш белгиланди. Шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди. Жумладан, Афғонистон билан ўзаро савдо ҳажмини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ долларига етказишнинг аниқ чора-тадбирлари назарда тутилган.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАД

2020 йил 27 ноябрь куни видеоконференцалоқа шаклида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

■ Анжуман

Унда МДХ ПА Кенгаши Раиси, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси В. Матвиенко, ЖССТнинг Европа бўйича минтақавий директори Х. Клогге, Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати Раиси М. Мясникович, МДХ ПА комиссиялари вакиллари, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигида мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

МДХ ПА Кенгаши мажлиси иштирокчилари ҳамдўстлик мамлакатларида коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича чораларни ҳуқуқий таъминлаш масаласини муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси раҳбари Ўз нутқида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбари Т. Норбоева мажлисда таъкидлаганидек, Ўзбекистон МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо

мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқалар ривожига хисса қўшмоқда.

Айни чоғда пандемияга қарши курашишнинг ҳозирги даврида барча мамлакатлар олдида ҳал этиш лозим бўлган қатор вазифалар турганлигига эътибор қаратилди.

Жумладан, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ижтимоий химоя ва соғлиқни сақлашнинг кучайтиришга, аҳолига, иқтисодиёт тармоқларига ва бизнесга манзилли ёрдам кўрсатишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, мамлакатда Бош вазир бошчилигида Коронавирус тарқалишининг олдини олиш

бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Инқирозга қарши курашиш жамғарма ташкил этилди, “Саховат ва кўмак” умумхалқ харақати доирасида ҳайрия лойиҳаси бошланди.

Бундан ташқари, бугунги кунда халқаро майдондаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Президенти БМТ шафелигида “Пандемия даврида давлатларнинг иштиёрий мажбуриятлари халқаро кодекси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кеча видеоконференцалоқа форматида МДХ ПА Кенгашининг 51-ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди.

Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси раҳбари Ўз нутқида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбари Т. Норбоева мажлисда таъкидлаганидек, Ўзбекистон МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо

Ўзбекистон 2020 йилда ўзининг МДХдаги раислиги давомида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишда фаол иштирок этаётди.

Пандемия шароитига қарамаздан, МДХ бўйича шериклар билан ҳамкорликда изчил ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистоннинг раислигида Концепция амалга оширилмоқда, шу жумладан,

долзарб мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда, иқтисодиёт ва транспорт, инновациялар ва маданият, туризм ва спорт, ёшлар сиёсати, хавфсизлик соҳаларида ҳужжатлар қабул қилинапти. МДХ устив масалаларини амалга оширишда, хусусан, Парламентлараро Ассамблея доирасида парламент дипломатияси мустаҳкамланмоқда.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



Нуқтаи назар

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги давр бошланди. Биз миллий тараққиётнинг навбатдаги иккинчи босқичига дадил қадам қўйдик. Бу даврнинг стратегик мақсади, кутиладиган натижалар, жамият ва одамларни янгича дунёқарашда шакллантириш йўллари ҳамда усуллари ҳақида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кўплаб илмий мақолалар, муносабатлар эълон қилинмоқда.

Бугунги тараққиёт йўлимызининг мазмун-моҳияти ҳақида фалсафа фанлари доктори, профессор Саъдулла ОТАМУРАТОВ куйидаги фикрларни билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЖАДАЛ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2021 — 2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги **Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхати**га (ТОП–1000) кириши.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида:

а) **аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади.** Бунда аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамаси қуйидаги тартибда амалга оширилади:

I босқич — фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш мuddатлари, жойи ва тартиби билан таништириш;

II босқич — аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (яшовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий сўровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш;

III босқич — жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш;

IV босқич — жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш;

б) **аҳоли пунктлари бош режаларининг** юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан **жамоат экспертизасини амалга ошириш имконияти** жорий этилади;

в) аҳоли пунктнинг тақлиф этилган бош режасидан норози бўлган жамоат назорати субъектларининг ташаббусига кўра **аҳоли пунктнинг муқобил бош режасини ишлаб чиқиш** ёки унга ўзгартириш (тузатиш) киритиш механизми жорий этилади;

г) аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамасини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

5. Белгилансинки, **2021 йил 1 мартдан** бошлаб:

а) икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортқк бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда объектининг Қурилиш вазирлиги қoшидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади;

б) қуйидагилар:

уй қурувчилар — жисмоний ва юридик шахсларга, асосий фаолият тури сифатида қурилиш–монтаж ишларини амалга оширувчи ташкилотлар бундан мустасно, мустақил равишда (ҳўжалик усулида), қурилиш ташкилоти билан қурилиш пудрати шартномасини тузмасдан икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортқк бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

аҳоли пунктлари ҳудудларининг функциялар зоналарида жойлашган, бундай турдаги қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартиралй уйларни қуриш;

лоийҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойларнинг қаватлари сонини кўпайтириш (устки қават қуриш); ўзгартирилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан қурилаётган бино ва иншоотларнинг қаватлари сонини (лоийҳа ҳужжатларини ўзгартириш йўли билан) кўпайтириш **тақиқланади**;

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

Аввал хабар берганимиздек, *Олий Мажлис Сенати аъзолари шу кунларда Қорақалпоғистон Республикасининг турли шаҳар ва туманларида бўлиб, Президентимизнинг “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда учраётган муаммоларни ўрганмоқда.*

Ўрганиш ва таҳлил

Зарур кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди

Юқори палатанинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов ҳамда сенатор Абатбай Данияров Бўзотов туманида бўлди.

Сенат аъзолари туман марказида- ги йирик ишлаб чиқариш корхонала- ридан бири — “BOZ-TEX” масъуляти чекланган жамиятининг ишлаб чиқар- иш ҳажми, маҳсулотларнинг сифати ва ишчилар учун яратилган шароит- ларни кўздан кечирди.

Бундан ташқари, сенаторлар туман- даги Ёшлар марказида бўлиб, ёш ав- лод вакилларига яратилаётган имко- ниятлар билан ақидан танишиди ва уларнинг бир гуруҳи билан учрашди.

Шу билан бирга, туманда амалга ошириллиши лозим бўлган инвестиция лойиҳалари ҳам сенаторларнинг диқ- қат марказида бўлди. Хусусан, айни пайтда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида 165,7 миллиард сўмлик 77 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Қўмита раиси ҳудуддаги истиқбол- ли инвестицион лойиҳалардан бири — “Bozatav Sementtal” чорвачилик ком- плексининг қурилиш ишлари билан та- нишди. Ҳозирги кунда жадал иш олиб борилаётган мажмуада йил якунига қадар Австрия давлатидан 600 бош насли қорамол, Германиядан “Claas” комбайни, трактор ва бошқа техника-

в) лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт ҳулосаси эксперт ташкилоти томонидан “Шафроф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Эксперт ҳулосаларининг ягона реестри”га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган лойиҳа ҳужжатлари бўйича эксперт ҳулосалари бундан мустасно.

6. Қурилиш вазирлигига техник тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, шунингдек, шахарсозлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларини мослаштириш бўйича ишлар (товарлар, хизматлар)нинг давлат харидларини, кейинчалик улар тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштирган ҳолда, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширишга рухсат берилсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой мuddатда якка тартибдаги уй-жой қурилиши соҳасидаги сейсмик ва ёнгин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2020 йил 1 декабргача **Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинча низо**м лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;

2021 йил 1 июнгача бирламчи рухсат бериш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни экспертизадан ўтказилгандан тортиб объектларни фойдаланишга топширишга бўлган барча қурилиш жараёнларини назарда тутувчи **Ягона маъмурий қурилиш регламенти** ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июнгача илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида **лоийҳа-кидирув ва қурилиш фаолиятига сугурталаш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш** бўйича тақлифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2021 йил 1 августгача Қурилиш вазирлигининг **коррупцияга қарши курашиш комплаенс** тизимининг жорий этилишини, 2022 йил 1 январгача эса ISO 37001 халқаро стандартига (Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими) мувофиқлик сертификатли олинлишини;

2021 йил 1 сентябргача фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноконуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи **“Огоҳ фуқаро”** электрон тизимининг яратилишини;

2022 йил 1 мартгача Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ISSA) концепциясини жорий этишга асосланган **“Қурилиш майдончаларида жарахатланишга барҳам бериш”** дастурининг ишлаб чиқилишини;

2022 йил 1 июлгача шаҳар муҳити элементларининг мақсади, анъанавий архитектура ва маданияти, шунингдек, жойинг табиий-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий **“дизайн-код”**нинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини;

2022 йилдан бошлаб, ҳар йили 1 декабргача жорий йил вазифаларининг ижро этилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда келгуси йилда ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 июнгача мuddатда Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат

хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқсин ва ўрганиш натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов) ҳар йили Давлат бюджетди параметрларини шакллантиришда Стратегияни амалга оширишга доир “Йўл харитаси”да кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишда йўналишлар бўйича зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

10. Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри туманлари қурилиш бўлимлари Қурилиш вазирлиги бўйсунувига берилсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) икки ой мuddатда Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри туманлари қурилиш бўлимларининг вазифалари, функциялари ва ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига: Стратегия ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш;

вазирлик ва идоралар, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиарининг Стратегияни амалга ошириш доирасида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорақда Сенат ва Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиб бориш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида **Бош вазир ўринбосарлари (А.Ж.Раматов, Ж.А.Кўчоров, С.У.Умурзаков):**

мутасадди вазирлик ва идораларнинг ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилишини таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги вазифаларини белгиласин ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин; зарур маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминласин; ҳар ойда масъул шахсларнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб борсин; зиммасига юкланган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан эғаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тақлифлар киритиб борсин;

Қурилиш вазири Б.И.Закиров:

икки ҳафта мuddатда қурилиш тармоғини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган устувор йўналишлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳларни тусин; ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга эришиш жараёнида вужудга келадиган жорий муаммоларни жойида тезкор ҳал этиш чораларини кўрсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиш, ижро учун масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва қурилиш вазири Б.И.Закиров зиммасига юкласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни бўйича** амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 27 ноябрь	

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАД



Яқинда бўлиб ўтган ШХТ саммити пай-тида давлатимиз раҳбари эпи-демиялар келтириб чиқаради-ган касалликларга қарши ку-рашиш бўйича тиббиёт муас-сасалари тармоғини ташкил этишни, шунингдек, телеتب-биёт соҳасида ҳамкорлики ривожлантиришни тақлиф қилди.

Олий Мажлис Сенати Раи-си Т. Норбоева ушбу ташаб-бусларни амалга оширишда МДҲга аъзо давлатлар пар-ламентлари билан ўзаро ҳам-

корлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда Евросоиё макони-да иқтисодий интеграциянинг ҳолати ҳамда истиқболлари ва уни норматив-ҳуқуқий таъмин-лаш, 2021 йилда МДҲ мамла-катлари давлат ҳокимияти органларига сайловларни ку-затиш учун тайёргарлик кўриш, МДҲга аъзо давлатлар Пар-ламентлараро Ассамблеяси ва Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси ҳамкорлиги ма-салалари, шунингдек, бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Айниқса, БМТ Бош Ассамблеясининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасидаги ҳамкорлик” махсус резолюциясининг қабул қилиниши муҳим натижалардан бири бўлди.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбарининг таъ-кидлашича, муҳокамага қўйилган ҳужжатлар долзарб ва ўз вақ-тида қабул қилинган, шунингдек, давлатлар қонунчилик базаси-ни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қарорлар Ассам-блея доирасида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим қадам бўлади.

Қайд этиш жоиз, тадбирлар кун тартибига Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг моддий мерос объект-ларини сақлаш тўғрисидаги конвенция лойиҳаси, шу жумладан, Меҳнат кодекси, Сайлов кодекси, парламент назорати тўғриси-даги модель қонунларни тасдиқлаш масалалари киритилган.

«Халқ сўзи».

МИЛЛАТНИ БУЮК ЭТАДИГАН КУЧ



Мен кутубхона-чилик фаолиятимда англаб етган бир ҳақиқат бор: билим — инсоннинг наҳотко-ри, керак бўлса, энг кучли қуролидир. Инсониятнинг шу пайтгача ўрганган жамики би-лими, эғаллаган илми, чиқар-ган ҳулосалари, қўйингки, қўлга киритган ҳазинаси китоблар-да ҳам бўлиб, улар орқали сақлаб келинмоқда.

Шу нуктаи назардан, юрти-мизни ҳар томонлама тарақ-қий эттириш, халқимизнинг фар-ован яшашини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда барча соҳа қатори таълим ти-зимида ҳам туб ислохотлар олиб боришмоқда. Ёш авлод-нинг билим эғаллаши учун бар-ча шароит яратилпти. Навки-рон авлодни китобга меҳр ру-ҳида тарбиялаш, уларнинг му-толаа маданиятини юксалти-риш мақсадида қанчадан-қанча танловлар ўтказилиб, диққатга молик ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ёшлар-имизни китобга қайтариш, ку-тубхоналаримизни гавжум зиёи масканига айлантиришда му-ҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 сен-тябрдаги Ўқитувчи ва мураб-бийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нут-қида алоҳида қайд этилгани-

Диплоза МЎМИНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони умумий бўлими ходими.

Чегараолди савдолари истиқболи ва имкониятлар



Ўзаро муноса-батлар жараёнида юзага келадиган муаммолар-ни ўз вақтида ҳал қилиш учун икки мамлакатнинг иқтисо-дий субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри ишчи алоқа-лар ўрнатилган. Хусусан, Сур-хондарё вилояти ва Афғонис-тоннинг Балх вилояти раҳ-барлари бошчилигида чега-ра савдосини ривожланти-ришда юзага келаётган му-аммоларни ҳал этиш мақса-дида Ўзбекистон — Афғонис-тон ишчи комиссиясининг мунтазам видеомулоқотлари йўлга қўйилган.

Чегараолди эркин савдо зонаси орқали, жумладан, товуқ гўшти, гигиеник воси-талар, мебель, болалар ки-йимлари экспорти йўлга қўйилгани йиғилишда қайд этилди. Мармар ва тош маҳ-сулотлари, тамаки ҳамда халқ истеъмоли товарлари-

ни экспорт қилиш ҳамда мева-саб-завот ва ёнғоқ каби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда учинчи давлатларга реэкспорт қилиш мақсадида олиб ки-ришни ташкил этиш имкони-ятлари ҳам ўрганилиши айтиб ўтилди. Бинобарин, 2021 йилда Афғонистонга

Айни пайтда Ўзбекистон-да ишлаб қилинган маҳсу-лотлар билан масофадан ту-риб танишиш ва савдо қилиш, афғонистонлик хари-дорларга www.cooperation.uz электрон порталининг савдо майдончасидан инглиз тили-да фойдаланиш имконияти яратилишмоқда. Ушбу порта-дан фойдаланишни қўшни мамлакат ҳудудига кент тар-ғиб қилишга тайёргарлик қўриляпти.

Анжуманда Президенти-мизнинг тегishi ҳужжатла-ридан келиб чиқиб, амалда-ги қонун ҳужжатларига айрим ўзгариш ва қўшимчалар ки-ритиш, белгиланган вазифа-лар ҳамда тасдиқланган чора-тадбирларнинг ўз вақ-тида бажарилишини таъмин-лаш билан бoғлиқ масала-лар муҳокама этилди.

Конференцияда эркин сав-до зоналарини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Давлат дастурида белгиланган топширқлар ижросини тўлиқ таъминлаш-га қаратилган ҳулоса ва тав-сиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

